
ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСИ АМАЛДА: МАКТАБДАН ҲУНАР ҶУНАР ҶУРГАНИБ

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимиздаги таълим муассасаларида ёшларни камида иккита хорижий тил ва битта касб-ҳунарга ўргатиш устувор вазифа этиб белгилангани замирида ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, мактаб битирувчиларининг замонавий касбларни ўрганиши орқали меҳнат бозорида рақобатбардошлигини ошириш, уларда меҳнатсеварлик ва миллий анъаналарга садоқат хислатларини юксалтириш каби эзгу мақсадлар мужассам.

Фарғона вилоятидаги умумий ўрта таълим ва ихтисослашган таълим муассасаларида ҳам бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бувайда туманидаги 55 та умумтаълим мактабларида 44 минг нафардан зиёд ўқувчилар таҳсил олади. 11-синф битирувчилари 3 минг нафарга яқинни ташкил қилади. Ўтган ўқув йилида мактаб битирувчиларининг сифат коэффиценти ўртача ҳисобда 88,2 балл бўлиб, республикада иккинчи, вилоятда эса биринчи ўринда қайд этилган.

Айни кунда кўплаб мактабларда тиқувчилик, сартарошлик, тўқувчилик, пазандачилик, мебелчилик, дурадгорлик, темирчилик ва бошқа касбларга ўргатиш бўйича жами 1000 дан ортиқ ўқувчилар қамраб олиниб, дарсдан сўнг қизиқишларига қараб ушбу касбларни ўрганмоқда. Бундан ташқари, тумандаги барча таълим муассасаларида шу йилнинг апрель ойига қадар касбга ўргатиш бўйича кенг қамровли ишларни якунига етказиш ишлари олиб борилмоқда.

–Ўтган ўқув йилида битирувчиларимизнинг олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичи 98,1 баллни ташкил этган, – дейди тумандаги 3-умумтаълим мактаби директори Раъноҳон Асқарова. – Шундай бўлса-да, ўқувчиларимизни меҳнат бозорида талабгир касб-ҳунарларга ўргатиш устида иш олиб бораёмиз. Шу мақсадда тўқувчилик, мебелсозлик, дурадгорлик тўғаракларини очдик. Бу тўғаракларга юқори синф ўқувчиларининг қизиқиши катта. Дастлабки кунларданок Раъноҳон Мавлонова, Элёржон Қодиров, Тоҳиржон Полвонов каби устозлари кўмагида буюмлар ясашни ўрганиб олишди.

Бувайда – уста-ҳунаромандлар юрти, мебелсозлик ҳудудни ривожлантириш драйвери ҳисобланади. Бугун битта ёғоч буюм ишлаб чиқараётган уста ҳунароманд эртага учта ясашни мақсад қилади, маҳсулотга талаб ҳам юқори. Шу боис мактабда фаолият бошлаган тўғаракларда “уста-шоғирд” анъанаси асосида иш олиб боришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Тўғаракларда “кўзи пишган” ёшларнинг эса келажакда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши шубҳасиз.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2023-03-06 15:16:46